

**ТОШКЕНТ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ**  
**ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**DSc.13/30.12.2019.Т.07.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ИСКАНДАРОВ САНЖАР ҚУВОНДИҚОВИЧ**

**ТАЪЛИМНИ БОШҚАРИШ ТИЗИМИ МАЪЛУМОТЛАРИНИ ТАҲЛИЛ  
ҚИЛИШ АЛГОРИТМЛАРИ ВА ДАСТУРИЙ МАЖМУАСИ**

**05.01.04 – Ҳисоблаш машиналари, мажмуалари ва компьютер тармоқларининг  
математик ва дастурий таъминоти**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент-2021**

**Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по  
техническим наукам**

**Contents of dissertation abstract of the doctor of philosophy (PhD)  
on technical sciences**

**Искандаров Санжар Қувондиқович**

Таълимни бошқариш тизими маълумотларини таҳлил қилиш  
алгоритмлари ва дастурий мажмуаси..... 5

**Искандаров Санжар Қувондиқович**

Алгоритмы и программные комплекс анализа  
данных систем управления образованием..... 21

**Iskandarov Sanjar Quvondiqovich**

Algorithms and software complexes for data analysis  
of learning management systems..... 39

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works..... 43

**ТОШКЕНТ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ**  
**ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**DSc.13/30.12.2019.Т.07.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ИСКАНДАРОВ САНЖАР ҚУВОНДИҚОВИЧ**

**ТАЪЛИМНИ БОШҚАРИШ ТИЗИМИ МАЪЛУМОТЛАРИНИ ТАҲЛИЛ  
ҚИЛИШ АЛГОРИТМЛАРИ ВА ДАСТУРИЙ МАЖМУАСИ**

**05.01.04 – Ҳисоблаш машиналари, мажмуалари ва компьютер тармоқларининг  
математик ва дастурий таъминоти**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент-2021**

**Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2021.2.PhD/T2281 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Тошкент ахборот технологиялари университетиде бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида ([www.tuit.uz](http://www.tuit.uz)) ва «Ziynet» Ахборот таълим порталида ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:** Мўминов Баҳодир Балтаевич  
техника фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:** Муҳаммадиева Дилноза Тулкуновна  
техника фанлари доктори, профессор

Хужаёров Илёс Шералиевич  
техника фанлари бўйича  
фалсафа доктори(PhD)

**Етакчи ташкилот:** Ўзбекистон миллий университети

Диссертация ҳимояси Тошкент ахборот технологиялари университети ҳузуридаги DSc.13/30.12.2019.T.07.01 Илмий кенгашнинг 2021 йил «5» ноябр соат 14<sup>00</sup> даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100202, Тошкент шаҳри, Амир Темур кўчаси, 108-уй. Тел.: (99871) 238-64-43, факс: (99871) 238-65-52, e-mail: [tuit@tuit.uz](mailto:tuit@tuit.uz)).

Диссертация билан Тошкент ахборот технологиялари университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (227 рақам билан рўйхатга олинган.). (Манзил: 100202, Тошкент шаҳри, Амир Темур кўчаси, 108-ўй. Тел.: (99871) 238-65-44).

Диссертация автореферати 2021 йил «22» октябрь да тарқатилди.  
(2021 йил «18» октябрь даги 32 рақамли реестр баённомаси.)



**Р.Х.Хамдамов**  
Илмий даражалар берувчи илмий  
кенгаш раиси, техника фанлари  
доктори, профессор

**Ф.М.Нуралиев**  
Илмий даражалар берувчи илмий  
кенгаш илмий котиби, техника фанлари  
доктори, доцент

**М.А.Рахматуллаев**  
Илмий даражалар берувчи  
илмий кенгаш қошидаги илмий  
семинар раиси, техника фанлари  
доктори, профессор

## **КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертациясининг аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** «Бугунги кунда ҳар куни  $2,5(10^{18})$  квинтиллион байт маълумот яратилмоқда ва бу кўрсаткич 2020 йилда ҳар бир инсон учун кунига 1,7 МБ маълумот яратилганлигини билдиради»<sup>1</sup>. Маълумотлар базасини интеллектуал таҳлил қилиш орқали таълимни бошқариш учун билимлар, фойдаланувчилар учун тавсиялар ишлаб чиқиш ва коммуникатив тармоқлардан кенг миқёсида фойдаланиш мақсадида таълимни бошқариш тизимларини ишлаб чиқишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Мазкур соҳада ривожланган хорижий мамлакатларда, шу жумладан, АҚШ, Франция, Германия, Италия, Россия Федерацияси, Хитой, Япония, Эрон, Жанубий Корея ва бошқа давлатларда таълимни бошқариш тизимларида замонавий технологияларидан фойдаланиш ҳамда катта ҳажмли маълумотларга ишлов беришнинг тезкор алгоритмларини яратишнинг назарий ҳамда амалий масалаларини ечишига катта эътибор қаратилмоқда.

Жаҳонда таълим тизимида электрон таълимни жорий этиш биринчи навбатда жамиятнинг интеллектуал салоҳиятига, жумладан, таълим соҳасининг ахборотлашувига, ахборот таълим ресурсларини ишлаб чиқишга боғлиқ. Дунёнинг ривожланган ва ривожланаётган мамлакатларида таълимни ахборотлаштириш, шу жумладан электрон таълимни жорий этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Электрон таълимни ривожлантириш, унинг самарадорлигини ошириш йўллари изланмоқда, таълимда янги ахборот технологияларини жорий этиш таълим соҳасидаги ислохотларнинг диққат марказидан ўрин олган. Атрофимиздаги кўплаб тўпланиб қолган маълумотларни йиғиш, таҳлил қилиш ва улардан самарали фойдаланиш орқали маълум ҳолат ёки объект тўғрисида тарихий, жорий ва келажак вақт учун муҳим бўлган билимларни ишлаб чиқиш зарур ҳисобланмоқда.

Русубликамизда халқ хўжалиги соҳалари, ишлаб чиқариш ва таълим тизимида ахборотлашган жамият қуриш бўйича кенг миқёсда ислохотлар олиб борилмоқда. Ахборотлаштириш, замонавий ахборот коммуникация технологияларини жадал ривожлантириш ҳамда жамиятнинг барча соҳаларида ундан самарали фойдаланиш борасида устивор йўналишлар белгиланган. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегиясида, жумладан, «...сифатли таълим хизматлари имкониятларини ошириш, меҳнат бозорининг замонавий эҳтиёжларига мос юқори малакали кадрлар тайёрлаш, ... илғор ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш...» вазифалари белгиланган. Мазкур вазифаларни амалга ошириш, жумладан, таълимни бошқариш тизими маълумотларини интеллектуал таҳлил қилиш орқали билимларни шакллантириш ва маълумотларга ишлов бериш тезкор алгоритмларини яратиш муҳим масалалардан бири ҳисобланади.

---

<sup>1</sup> Forbes Media LLC. <https://www.forbes.com>

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 19 февралдаги «Ахборот технологиялари ва коммуникациялари соҳасини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» ПФ-5349-сон Фармони, 2018 йил 19 февралдаги «Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида» ПҚ-3549-сон қарорига мувофиқ, шунингдек, Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университети ва унинг филиалларида кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш, самарадорлигини ошириш, ўқув жараёнига таълимнинг кредит тизимини жорий қилиш орқали университетни жаҳоннинг нуфузли университетлари қаторига киришини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси 2018 йил 24 июлдаги №569 қарорига асосан Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университети ва унинг филиалларида таълимнинг кредит тизимини жорий этилиши назарда тутилган. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг 2018 йил 5 июндаги «Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга ошириладиган кенг қамровли ислохотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-3775-сонли қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация тадқиқоти маълум даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг IV. «Ахборотлаштириш ва ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Таълимни бошқариш тизимларини лойihalаштиришнинг замонавий тенденциялари орқали Олий Таълим Муассасаларининг интеграллашган таълимни бошқариш тизимларини моделини яратиш ҳамда ишлаб чиқиш бўйича И.А.Смольникова, В.В.Леонтьева, Д.С.Кузнецовалар тадқиқотлар олиб боришган. Таълим жараёнига SMART технологияларни жорий этиш ва SMART таълимни ривожлантиришга ҳисса қўшганлар. SMART таълим концепциясига қирувчи смартаълим, смартауниверситет, смартадарслик каби элементлар устида Г.Деккер, С.Ромеро, П.Эспежо, Л.Джонсон ва Д.Мартин каби олимлар смартауниверситет концепцияси ва технологияларини ишлаб чиқишган.

Республикамизда таълимни бошқариш тизимларини модел ва алгоритмларини ишлаб чиқиш ва жорий қилиш, маълумотларни излаш, хавфсизлигини таъминлаш бўйича илмий тадқиқотлар, асосан Т.Бекмурадов, М.Арипов, Р.Алоев, Д.Мухаммадиева, С.Гайназаров, Б. Мўминов, А.Нишанов, А.Саидовлар раҳбарлигида ўрганилган.

Олий таълим муассасаси ўқув жараёни бошқаруви ахборот тизими архитектураси, маълумотлар базасининг интеллектуал таҳлил қилиш орқали

билимлар ва тавсиялар ишлаб чиқиш асосида илмий изланишлар олиб бориш ҳозирги кунда етарли даражада ўрганилмаган.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Муҳаммад ал Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университетининг университетининг № 22/18 «Таълимнинг кредит тизими жараёнини бошқариш - TUIT-LMS дастурий таъминотини ишлаб чиқиш ва жорий этиш» (2018-2020) мавзуларидаги ҳамда № 23/19 «Таълимнинг кредит тизимини жараёнини бошқарувчи TUIT-LMS тизимига қўшимча дастурий мажмуа ишлаб чиқиш» (2019-2020) лойиҳалари доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** Таълимни бошқариш маълумотларини таҳлил қилиш моделларини лойиҳалаштириш, алгоритмларини яратиш ва MVC технологияси асосида дастурий мажмуасини ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

таълимни бошқариш тизимлари буйруқларини шакллантириш йўналтирилган функционал IDEF модели ва алгоритминини ишлаб чиқиш;

таълимни бошқариш тизимида дарс жадвалини шакллантириш ва имтихонларни ташкиллаштириш алгоритми ва дастурий модулинини ишлаб чиқиш;

ҳодиса ва сўровнома маълумотларини интеллектуал таҳлил қилишнинг гибрид моделини ишлаб чиқиш;

катта маълумотлар массивининг паралелл ишлов бериш алгоритминини ишлаб чиқиш;

таълимни бошқариш тизимининг функционал тузилмасини ва дастурий мажмуасинини ишлаб чиқиш.

**Тадқиқот объекти** сифатида таълим жараёни бошқарувининг тартибга солувчи жараёнлар ва буйруқларни шакллантиришни қўллаб-қувватлаш учун таълим жараёнидан олинган маълумотлар тўплами.

**Тадқиқот предмети** - таълим жараёнининг бошқаришни қўллаб-қувватлаш учун мўлжалланган математик моделлар ва алгоритмик усуллар, MVC технологияси.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқот жараёнида реляцион моделлар, алгоритмлар, маълумотлар базаси, дастурлаш тиллари, MVC дастурлаш технологияси, ахборот тизимларининг лойиҳалаштириш, моделлаштириш ва ишлаб чиқиш усулларидан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

катта ҳажмли маълумотларга ишлов бериш асосида таълимни бошқариш тизимлари буйруқларининг шакллантиришга йўналтирилган функционал IDEF модели ва алгоритмининг ишлаб чиқилган;

квадратик дастурлаш масаласининг орқали таълимни бошқариш тизимида дарс жадвалини шакллантириш ва имтихонларни ташкиллаштириш алгоритми ва дастурий модулининг ишлаб чиқилган;

MapReduce framework асосида ҳодиса ва сўровнома маълумотларининг интеллектуал таҳлил қилишнинг гибрид модели ишлаб чиқилган;

Hyper-Threading технологияси асосида катта маълумотлар массивини паралелл ишлов бериш алгоритми ишлаб чиқилган;

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

таълимни бошқариш тизимларинида буйруқларни шакллантириш дастурий модули ва шу орқали таълим жараёнидаги хужжатларни шакллантириш алгоритми ва дастурий модули ишлаб чиқилган;

hyper-Threading технологияси асосида катта ҳажмли маълумотларни паралелл қайта ишлаш дастурий модули ишлаб чиқилган;

маълумотларни интеллектуал таҳлили учун маълумотлар базасини бошқариш ва лойиҳалаштириш услуги таклиф қилинган.

таълимни бошқариш тизими функционал тузилмаси ва дастурий мажмуаси ишлаб чиқилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончилиги.** Тадқиқот натижаларининг ишончилиги таълимни бошқариш тизимини замонавий методологиялар асосида яратиш босқичлари, жумладан: таҳлил қилиш, лойиҳалаштириш, ишлаб чиқиш, синовдан ўтказиш, жорий этиш, қўллаб-қувватлаш ва модернизациялаш усулларидан фойдаланилганлиги, ҳамда назарий ва амалий тадқиқотларнинг олинган натижалари, таълимни бошқариш тизимини маълумотлари интеллектуал таҳлил натижаларини ва уларнинг ўзаро мувофиқлаштирилганлиги, статистик маълумотларнинг солиштириш натижаларини ижобийлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.**

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти таълимни бошқариш тизимларида маълумотларини таҳлил қилиш усуллари ҳамда hyper-Threading технологияси асосида катта ҳажмли маълумотларни паралелл ишлов бериш учун алгоритм ишлаб чиқилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти таълимни бошқариш тизимларида буйруқларни шакллантиришнинг IDEF0 модели ва алгоритми ишлаб чиқилганлиги ҳамда таълим жараёнининг асосий бўғини дарс жадвалини тузиш масаласи квадратик дастурлаш орқали ечилганлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Ишлаб чиқилган таълимни бошқариш тизими маълумотларини таҳлил қилиш усуллари, катта ҳажмли маълумотларни паралелл қайта ишлаш алгоритмлари ҳамда таълим тизими бошқаруви буйруқларини шакллантириш усуллари, дастурий модули, дарс жадвалини шакллантириш математик модели ва дастурий модули асосида:

катта ҳажмли маълумотларнига ишлов бериш асосида таълимни бошқариш тизимлари буйруқларини шакллантириш йўналтирилган функционал IDEF модели ва алгоритми асосида таълим жараёнини бошқариш учун ишлаб чиқилган дастури восита Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университетида таълимнинг кредит тизими жараёнини бошқаришда жорий қилинган (Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг



2021-йил 30-июнь №33-8/4738 маълумотномаси). Натижада таълим тизими ижтимоий-иқтисодий ривож учун умумий хулосаларни шакллантириш, мавжуд муаммоларни аниқлаш ва мос бошқарувчи қарорларни шакллантиришда масалан талабаларга стипендия тайинлаш учун қонунчиликка асосан уларнинг ҳар бир фан доирасида баҳоларни таҳлил қилиш талаб қилинади. Бу ишни қўлда бажарилганида 3 кун вақт талаб қилса, тизим 5 дақиқада амалга оширган;

квадратик дастурлаш масаласи орқали таълимни бошқариш тизимида дарс жадвалини шакллантириш ва имтихонларни ташкиллаштириш алгоритми ва дастурий модули асосидаги дастурий мажмуаси «Registon Study» нодавлат таълим муассаси Учтепа филиалида ўқув курсларини ташкил қилиш ва бошқаришда жорий қилинган (Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг 2021-йил 30-июнь №33-8/4738 маълумотномаси). Натижада ўқув курси кузатувчиларининг ҳисоб варағини юритиш, турли аксияларин ҳисоблашлар тизим орқали автоматлаштирилган ташкил қилиш жараёнга кетадиган вақтни 50% қисқартирган;

hyper-Threading технологияси асосида катта ҳажмли маълумотларни паралелл қайта ишлаш учун гибрид алгоритм асосида ишлаб чиқилган дастурий модул Ўзбекистон халқаро ислом академияси таълимнинг кредит-модул тизимини бошқаришда жорий қилинган қилинган (Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг 2021-йил 30-июнь №33-8/4738 маълумотномаси). Натижада ишлаб чиқилган гибрид алгоритм асосида катта ҳажмли маълумотлар массивига ишлов беришда вақт бўйича 6 марта самарадорликка эришилган;

MapReduce framework асосида ҳодиса ва сўровнома маълумотларини интеллектуал таҳлил қилишнинг гибрид модели дастурий мажмуаси «Developer Group» МЧЖ да ўқув курсларини ташкил қилиш ва бошқариш жорий қилинган (Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг 2021-йил 30-июнь №33-8/4738 маълумотномаси). Натижада тингловчиларнинг курс мабойнида ўзлаштириш кўрсаткичлари ҳамда дарсларга қизиқишлари мониторингини юритилган ҳамда ўқув материаллар билан таъминланганлик 100% га етган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 12 та, жумладан 5 та халқаро ва 7 та Республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 19 та илмий иш чоп этилган, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий Аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 6 та мақола, 2 таси хорижий ва 4 таси республика журналларида нашр этилган ҳамда 2 та ЭҲМ учун яратилган дастурий воситаларни қайд қилиш гувоҳномалари олинган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 116 бетни ташкил этган.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти асосланган, тадқиқотнинг Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, мақсад ва вазифалари белгилаб олинган ҳамда тадқиқот объекти ва предмети аниқланган, олинган натижаларнинг ишончлилиги асослаб берилган, уларнинг назарий ва амалий аҳамияти, тадқиқот натижаларини амалда жорий қилиш ҳолати, нашр этилган ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган

Диссертациянинг «**Катта ҳажмли маълумот манбалари ва уларни таҳлил қилиш усул ва алгоритмлари**» деб номланган биринчи бобида катта ҳажмли маълумотларни тўплаш воситалари, таълимни бошқариш маълумотларининг хусусиятлари таҳлил қилинган. Бундан ташқари таълимни бошқариш тизимларини ишлаб чиқиш технологиялари таҳлили, улардаги катта ҳажмли маълумотларни таҳлил қилиш усуллари ва Data mining масалаларига ва улар учун ишлаб чиқилган мажмуалар таҳлил қилинган.

Таълимни бошқариш тизимларининг афзалликлари шундаки, ҳар бир тизимда бўлгани каби таълимни бошқариш тизимларининг ҳам афзалликлар ва камчиликлари мавжуд. Тизимнинг афзалликлари қуйидагича:

ўқиш учун мобилликни таъминлаш, таълим олувчи ва таълим берувчи ўртасида виртуал алоқани таъминлаш;

турли топшириқларни, лабораторияларни, курс ишларини ва ҳақозаларни онлайн 24/7 режимида тизимга юклаш;

ишлаб чиқилган стратегия ва методологияни қўллаган ҳолда мавжуд ресурсларнидан фойдаланишни таъминлаш;

таркибни ўзгартиришнинг интеграцияси орқали самарадорликни ошириш кутилмаган вазиятларни ва онлайн имтиҳон олиш йўли билан харажатларни камайтириш;

тизим орқали мустақил ўрганиш ва мустақил фикр юритиш қобилиятини шакллантиришдир;

таълимни бошқариш тизими ўқувчиларга турли хил таълим олиш имкониятини беради, узоқ муддатли ўрганишни, қулайликни, мослашувчанликни ва бошқа кўплаб афзалликларни таъминлайди;

Таълимни бошқариш тизимларининг камчиликлари: физик мавжуд ўрганиладиган объектларнинг симуляцияси етарлича яратилмаган, мисол учун тиббиёт соҳасидаги бирор орган ҳолати ёки физик таъсир жараёнларни бу тизимда акс эттирилмаган;

турли педагогик технологияларни қамраб олмаган. Чунки мавжуд педагогик технологияларнинг аксарияти анъанавий таълим шаклига асосланган;

фанни тез ўзлаштириш ёки секин ўзлаштириш, вазифаларни топшириш жараёни ҳам шунга ўхшаш, бунда маърузачи талабани баҳолашда қийинчиликларга дуч келади;

таълимни бошқариш тизими ишга туширилганда, дастлабки ташкилий ишларни бажаришлари керак. Ўқитувчи, бир вақтнинг ўзида ҳам онлайн ҳам жисмоний талабалар билан бирга машғулотларни олиб бориши керак;

Олиб борилган тадқиқотлар асосида таълимни бошқариш тизимнинг архитектураси ва дастурий таъминотини лойиҳалашда ушбу синф тизимларига қўйиладиган талабларга жавоб берадиган масштабlilik, ишончlilik, модуллик, интеграция, ахборот хавфсизлиги, унификация тамойилларга амал қилиш керак.

Диссертациянинг «**Таълимни бошқариш тизимларининг функционал тузилмалари ва унда катта ҳажмли маълумотларга ишлов бериш ва интеграциялаш моделлари**» деб номланган иккинчи бобида таълимни бошқариш тизими асосан ўқув жараёни бошқариш билан боғлиқ ҳамма қисмларини қамраб олади. Одатда олий таълим муассасалари ўқув жараёнини бошқаришни факультетларга бўлиб бошқаришни илгари суришади. Таълимни бошқариш тизими орқали ўқув жараёнини ҳам марказлашган ва тақсимланган ҳолда бошқариш имконини беради. Ўқув жараёнини бошқаришни тизимда босқичларга бўлган ҳолда ташкил қилиш лозим. Булар, кириш босқичи, тайёргарлик босқичи, шакллантириш босқичи, ўқув жараёни босқичи, имтиҳонлар ва мониторинг босқичи, хужжатлар ва хулосалар босқичини ўз ичига олади. Ўқув жараёнида асосий элемент бу дарс жадвали масаласидир. Қуйида дарс жадвалини шакллантириш муаммосининг формаллаштириш келтирилган.

Ҳафта давомида барча жуфтликлар кетма-кет рақамланади (индекс р).

Бир кун ичида ушбу кичик гуруҳ  $M(p)$  жуфтликдан ошмаслиги керак.  $M(p)$  ҳафта кунларига боғлиқ бўлиши мумкинлигини эсда сақлаш лозим. Ҳар бир гуруҳ 2 та кичик гуруҳга бўлинади ва  $KG$  шаклида белгиланади (индекс g).  $KG$  лар гуруҳларга, гуруҳлар потокларга бириктирилади ва бу мос равишда  $\Gamma$  ва  $\Pi$  ўзаро боғлиқлик матрицалари ёрдамида тақдим этилади. Шунингдек барча аудиториялар (индекс а) рақамланади. Бунда ҳар бир аудитория учун унинг сифими  $V(a)$  ва тури  $\theta(a)$  кўрсатилган: компьютер синфи - С, амалий ёки анъанавий маърузалар учун аудитория - D, презентация қилиш учун маъруза зали - А, махсус лаборатория – S.

Барча фанлар (индекс d) махсус белги билан белгиланган бўлиб, бу белги гуруҳ потокини, маъруза курсини, кичик гуруҳлардаги амалий ёки лаборатория машғулотлари курсини англатади. Ҳар бир фаннинг (g кичик гуруҳдаги) умумий соати  $T(g,d)$ , ушбу фанни қайси кичик гуруҳда қайси профессор ўқитувчи олиб бориши, d фани бўйича  $\tau(d)$  машғулот тури (Маъруза -M, Лобаротория – С, компьютер синфи – S, Амалиёт -P кўрсатилади.

Ўқитувчилар 1 индекс билан белгиланади, ҳамда d фандан дарс берадиган L(d) ўқитувчилар сони кўрсатилади. Умумий ҳолатда масалани қуйидагича ифодалаш мумкин.

Агар g гуруҳида d фани бўйича машғулот a аудиторияда p жуфтликда ўтказилётган бўлса, u ҳолда  $x(p,g,a,d)=1$ , акс ҳолда,  $x(p,g,a,d)=0$  бўлади. Дарс жадвалини тузиш учун қуйидаги мезонларни(m) ҳам шакллантириш керак бўлади.

M1. Дарс бир вақтнинг ўзиде икки хил синфда ўтказилиши мумкин эмас; яъни, агар  $a_1 \neq a_2$  бўлса, унда барча p,g,d<sub>1</sub>,d<sub>2</sub> лар учун  $a_1 \neq a_2$  бўлиши керак. Яъни

$$x(p,g,a_1,d_1) x(p,g,a_2,d_2) = 0 \quad (1)$$

(1) Бу мезонни қуйидагича ифодалаш мумкин.

$$\sum_a x(p,g,a,d) \leq \rho(d,g)$$

Бу ерда  $\rho(d,g) = 1$  агар g кичик гуруҳ d фанни ўқиётган бўлса, акс ҳолда  $\rho(d,g) = 0$  га тенг бўлади.

M2. Кичик гуруҳларда бир вақтда турли фанлардан дарслар бўлмаслиги керак. Яъни  $d_1 \neq d_2$  бўлса қуйидагича ифодалаймиз.

$$x(p,g,a_1,d_1) x(p,g,a_2,d_2) = 0 \quad (2)$$

(2) Бу мезонни қуйидагича ифодалаш мумкин

$$\sum_t x(p,g,a_1,d_1) \leq \rho(d,g)$$

M3., Агар иккита кичик гуруҳ битта амалиёт гуруҳи ёки маъруза гуруҳларига бириктирилган бўлмаса, улар бир хонада дарс машғулотларини олиб бориши мумкин эмас. Бунинг математик ифодаланиши  $g_1 \neq g_2$  у ҳолда  $d_1 \neq d_2$  ёки  $d_1 = d_2 = d$ .

$$x(p,g_1,a,d_1) x(p,g_2,a,d_2) = 0$$

Бу ерда

$$\rho(g_1,g_2,d) = \begin{cases} P(g_1,g_2) \rho(g_1,d) & \text{агар } \tau(d) = M \\ G(g_1,g_2) \rho(g_1,d) & \text{агар } \tau(d) = P \\ 0, & \text{агар } \tau(d) = C \text{ ёки } \tau(d) = S \end{cases}$$

M3 мезонни бошқача тарзда ўзгартириш мумкин: айнан шу синфда ушбу жуфтлик, фан бўйича дарсларга эга бўлган кичик гуруҳларгина бўлиши мумкин. Бу M3 мезонни қуйидагича ифодалашга имкон беради: барча p,a,d учун

$$\sum_g x(p,g,a,d) (1 - \rho(d,g)) = 0$$

Охирги тенгликдан  $\rho(d,g) = 0$  бўлса,  $x(p,g,a,d)$  нинг барча қийматлари 0 га тенг бўлади.

M4. Бирор фанни ўрганаётган барча КГ лар ушбу фандан машғулот пайтида битта аудиторияда жойлашиши керак, яъни ихтиёрий p, a, d учун:

$$\sum_g x(p, g, a, d) \rho(d, g) = \sum_g \rho(d, g) \sum_g (p, g, a, d) \prod_{m < g} (1 - \rho(m, d) \rho(d, g)).$$

Такидлаб ўтиш жоиз,

$$\prod_{m < g} (1 - \rho(m, d) \rho(d, g))$$

ифода фақат  $t$  фанни ўрганаётган биринчи гуруҳ ( $g$  рақами бўйича) учун 1 га тенг, шунинг учун агар  $p$ -чи жуфтликда  $a$ -чи аудиторияда  $d$  фанни ўрганаётган кичик гуруҳлардан (КГ) камида битта гуруҳ бўлса

$$\prod_{m < g} (1 - \rho(m, d) \rho(d, g)) = 1$$

акс холда 0 га тенг.

$$\sum_g \rho(d, g)$$

$d$  фанни ўрганаётган барча кичик гуруҳлар сони.

М5. Ҳар бир ўқитувчи жорий вақтда фақат битта аудиторияда жойлашади, яъни агар ёки  $g_1 = g_2$  ёки  $a_1 = a_2$  ёки  $d_1 = d_2$  муносабатлардан камида биттаси ўринли бўлса:

$$\chi^{(L(d_1)=L(d_2))} x(p, g_1, a_1, d_1) \cdot x(p, g_2, a_2, d_2) = 0,$$

Охириги шарт қуйидаги шартга тенг кучли: барча  $l$  учун

$$\sum_{g, a, d} \chi^{(L(d)=l)} x(p, g, a, d) \leq 1$$

М6. Ҳар бир кичик гуруҳдаги ҳар бир фаннинг умумий соатлар миқдори фанни ўқув режасида белгиланган миқдори билан мос келиши керак:

$$\sum_{p, a} x(p, g, a, d) = T(g, d)$$

М7. Ҳар бир фан бўйича аудиториянинг сифими лаборатория машғулоти бўлса КГ, амалий машғулот бўлса гуруҳ ва маъруза машғулоти бўлса поток ўлчамидан кичик бўлмаслиги керак:

$$V_a \sum_g \rho(d, g) \geq \sum_g R(g) x(p, g, a, d)$$

бу ерда  $R(g)$  –  $g$  кичик гуруҳи ўлчами.

М8. Аудиториянинг имкониятларига чеклашлар: ҳар бир фан бўйича аудиториянинг техник жиҳозланишига муайян талаблар қўйилиши мумкин:

$$\sum_{p, g, a, d} (\chi^{(\tau_d = \theta_a)}) x(p, g, a, d) = \sum_{p, g, a, d} x(p, g, a, d)$$

Хужжатлар билан ишлашда асосан ўқув жараёнидаги асосий ҳисобланган ҳужжатлар юритилади. Булар, стипендия тайинлаш, ўқишдан четлаштириш, курсдан курсга ўтиш/қолиш ва қайдномалар ҳисобланади. Қайдномаларни шакллантириш ҳам автоматлаштирилган ҳисобланиб, кафедра мудирини томонида назорат қилинади ва декан тамонидан тасдиқланади. Дарс мабойинида тўплаган баллари ва якуний назорат асосида қайдномалар шакллантирилади.


Диссертациянинг «Таълимни бошқариш тизими маълумотларини ишлов бериш усул ва алгоритмлари» деб номланган учинчи бобда тизим фойдаланувчилари фаолиятини баҳолашда, тизим ёзувларига дастлабки ишлов бериш ёндошуви ва ўқитувчилар фаолиятини баҳолаш усули ва тизимда имтиҳонларини ташкиллаштириш функционал тузилмалари келтириб ўтилган. Якуний назоратни шаффоф ўтишини таъминлаш мақсадида қуйидагича ечимга келинган. Қуйидагича белгилашларни киритиш мумкин: талабаларни  $S$ , бунда барча талабалар сони  $S(N)$  кўринишда ифодалаб олинади.

Талаба маълумотларини  $S_m$  каби белгиласак, унда тизим сервери жорий вақтини  $t$  каби белгилашни киритишимиз мумкин. Шунда,

$$H = F(S_m, t)$$

кўринишидаги хэш маълумотга эга бўлишимиз мумкин. Бу ерда  $F$  хэш функцияси ҳисобланади. Юқоридаги формулага асосланиб, ҳар бир талаба учун хэш маълумотлар шакллантирилади. Бу ўз навбатида  $S_h$  ларни ташкил қилади.

$S_h$  лар асосида QrCode ларни ҳосил қиламиз. Бу жараённи қуйидагича ифодалаймиз.




**1-расм. Ёзма имтиҳонларни шаффофлигини таъминлашда QrQodelардан фойдаланиш.**

Сўровномани баҳолашни сонли кўринишда ташкил қилиш уни таҳлил қилишни соддалаштиради. Аммо талабаларнинг дарс берган ўқитувчиларига фикр мулоҳазаларини, яъни матнли маълумотларини маълумотларнинг интеллектуал таҳлил усулларида фойдаланган ҳолда таҳлил қилиш сифат кўрсаткичини янада оширади. Бу каби маълумотларнинг йиллар давомида йиғилиши сифатли таълим мухити яратишда муҳим омил бўлиб қолади. Бу

маълумотларни таҳлил қилиш оддий усуллар учун қийинчиликлар туғдиради, шунинг учун катта ҳажмли маълумотларни интеллектуал таҳлил қилиш орқали олинган билимлардан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Моделда қайси усул орқали таҳлил қилинганда натижани сифат кўрсаткичи яхшироқ эканлиги ҳисобланган. Таклиф қилинаётган модел қуйидаги 2-расмда тасвирланган. Юқоридаги усулларни тестлаш муҳити сифатида Rapid Miner танланди. Rapid Miner – маълумотларни интеллектуал таҳлил масалалари учун очик кодли дастурий восита. У операцион тизим танламайдиган ва R дастурлаш тилининг маҳсулотлари билан интеграциялаша оладиган яхлит тизим бўлиб, қулай график интерфейсга эга. Маълумотлар таҳлилидаги жараёнлар модулларга ажратилган ҳолда график шаклда тасвирланиб борилади.

Маълумотларни турли манбалардан йиғиш таҳлил учун биринчи қадамдир; маълумотлар дастлабки ишлов берилади ва бўш устунларни тўлдиради. Сўнгра маълумотлар 80% ва 20% нисбатда белгиланган таълим ва ўқитилувчи маълумотлар бўлинади.




2-расм. Таълимни бошқариш тизими маълумотларини таҳлил қилиш модели



Маълумотларни таҳлил қилишда уларнинг ҳажмининг ортиши таҳлил қилишда ортиқча вақт сарфига олиб келади. Бу муаммони ечиш учун қуйида келтирилган технология асосида паралеллаштириш гибрид алгоритми ишлаб чиқилган.


**Hyper-Threading технологияси** - ҳисоблаш тизимида параллел ишлайдиган бир нечта процессорлар бўлиши мумкин. Бундай тизимлар – кўп процессорли тизимлар деб аталади. Hyper-Threading (HT) технологиясидан фойдаланилганда бир мавжуд процессор операцион тизим томонидан икки витуал процессорлар каби қабул қилинади, бу сервер платформаси ҳар бир процессорига маълумотларнинг кўп паралел оқимли вазифаларини бажариш имконини беради. Hyper-Threading технологияси қўшимчаларни ҳисоблаш эҳтиёжлари ўзгариши бўйича процессор ўртасида уларнинг ресурсларини қайта тақсимлайди ва процессор ресурсларидан максимал даражада самарали фойдаланишни таъминлайди ва аниқ вақт давомида кўпроқ иш бажаришни амалга оширишга ёрдам беради(3-расм).





### 3-расм. Hyper-Threading технологиясидан фойдаланиб процессордаги оқимларини тавсифлаш.

Мазкур технология асосан оқимлани параллеллаштиришга қаратилган бўлиб, оқимларни бошқаришни, яъни уларни ҳисоблаш машинаси ядросига тақсимлаш ва натижаларни йиғишни куйидаги ишлаб чиқилган гибрид алгоритм амалга оширилади.



### 4-расм. Маълумотлар массивига параллел ишлов бериш алгоритминини блок-схемаси.

Алгоритмнинг асосий вазифаси ҳисоблаш машинаси ядроларига келаётган оқимларни тақсимлаш ва иккинчи қисми ишлов берилган маълумотларни қайта бирлаштиришдан иборат.

Диссертациянинг тўртинчи бобида «Натижалар ва амалиётга тадбиқи, катта ҳажмли маълумотлар массивини параллел қайта ишлаш самародорлиги» деб номланган бўлиб, асосан тажриба натижалари келтирилган.


Компютерларда катта ҳажмли маълумотлар массивига ишлов бериш, катта ҳажмли маълумотлар оқимларини ҳисоблаш натижалари ва ҳар бир машина намунасидаги ҳисоблаш жараёнининг вақт бўйича ўсиш графиклари

келтирилган (5-расм). Шунингдек, ҳисоб-китоблар асосида компьютер ресурсларидан фойдаланиш даражасини тахмин қилиш мумкин. Ҳисоблашларни амалга ошириш учун 1-жадвалда келтирилган маълумотдан фойдаланилди.

Жадвал 1.

Ҳисоблашлар жадвали

№	Амаллар сони	Сервер 1		Сервер 2	
		Чизиқли (мс)	Параллел (мс)	Чизиқли (мс)	Параллел (мс)
1.	356400	2	54	2	8
2.	5,970,000	30	45	24	10
3.	47,920,000	219	226	189	32
4.	83,895,000	432	401	332	55
5.	156,650,000	810	458	523	82
6.	239,760,000	1170	528	1039	124
7.	419,650,000	2412	808	1996	211
8.	2,638,680,000	16890	7776	13722	1454
9.	5,038,320,000	33216	16906	24754	2731
10.	17,995,500,000	169747	61653	119889	11377



5-расм. Чизиқли кетма-кет ва параллел ҳисоблашларнинг вақт бўйича ўсиш графиги.

Келтирилган графиклардан кўриниб турибдики, ҳисоблаш машинаси имконияти юқори бўлганида кичик ҳисоблашларда threading технологиясидан фойдаланиш самарасиз ҳисобланар экан, агар ҳисоблашлар


сони ортаса, бу кўрсаткич самарали бўлади. Изланиш натижасида кўп ядроли процессорларда параллеллаш орқали самарадорлик 1 - ҳисоблаш машинаси учун 2.76 марта ва 2 - ҳисоблаш машинаси учун эса 6 мартагача ўсганини кўриш мумкин. Шунингдек, машинани ихтиёрий комплекслари учун ҳам виртуал машина ҳосил қилиб ҳисоблашлар олиб борилганида ҳисоблаш ҳажмидан келиб чиқиб самарадорликни ошириш мумкинлиги аниқланган.

## 2 жадвал.

### Таълимни бошқариш тизими маълумотларини интеллектуал таҳлил қилишда методларнинг ишончлилиги.

Методлар	Аниқлик	Ўқитишга кетган вақт
Generalized Linear Model	85.9	172
Deep Learning	78.8	635
Decision Tree	81.9	252
Random Forest	86.5	96
Naive Bayes	87.7	16
Gradient Boosted Trees	84.4	508

Юқоридаги келтирилган натижалар асосида (2-расм) уларнинг натижалари ишончлилиги бўйича диаграммаси ҳамда уларни ўқитиш вақти бўйича сарфланган вақт диаграммаси келтирилган. Generalized Linear Model, Naive Bayes, Gradient Boosted Trees ва Random Forest усули бир бирига яқин ҳамда ишончлилиги юқори натижа кўрсатмоқда, аммо ўқитилувчи маълумотларни ўқитишга сарфланган вақти Generalized Linear Model га нисбатан 1.8 марта кўп ва Naive Bayes га нисбатан 10.75 марта кўпроқ вақт сарфламоқда. Бошқа томондан, Gradient Boosted Trees нисабатан 3 марта кам вақт сарфламоқда. Deep Learning, Trees, Decision Tree ва Support Vector Machine усулидан фойдаланилганда натижа ишончлилиги юқоридагиларга нисбатан камроқ бўлиб чиқди.



6-расм. Методларнинг аниқлиги бўйича диаграммаси ва ўқитишга сарфлаган вақтлар диаграммаси

Энг ёмон натижа аниқлилик ва ўқитиладиган маълумотларга сарфланган вақт бўйича ҳам Support Vector Machine усули бўлиб қолмоқда. Агар таълим тизими учун тавсия тизимларини ишлаб чиқмоқчи бўлсак Generalized Linear Model, Naive Bayes, Gradient Boosted Trees ва Random Forest усулларидан фойдаланишимиз мақсадга мувофиқ экан. Буларнинг ичида энг ишончли ва кам вақт сарф қиладигани Naive Bayes усулидир.

## ХУЛОСА

1. Катта ҳажмли маълумотлар муҳотида таълимни бошқариш тизими маълумотларини таҳлил қилиш модели ишлаб чиқилди. Таълимни бошқариш тизимларида маълумотларни интеллектуал таҳлил қилиш таълимни бошқариш самарасини оширди, жумладан таҳлиллар натижасида бошқарув ҳодимлари учун билимлар ва фойдаланувчилар (талабалар) учун тавсиялар ишлаб чиқилди.

2. Кредит тизимида дарс жадвалини шакллантириш масаласининг математик модели ишлаб чиқилди. Модулли дарс жадвалини шакллантириш мезонлари математик формаллаштирилган ва уни квадратик дастурлаш масаласига олиб келиниб ечилган. Талаба ўз дарс жадвалини ўзи шакллантиради, яъни ҳар бир талаба агар танлов фани мавжуд бўлса уни танлаш орқали, қолган фанлари автоматик тарзда шакллантирилади. Яъни қайсидир йўналиш ёки гуруҳ учун эмас, талабанинг ўзи учун дарс жадвали шакллантирилади.

3. Таълимни бошқариш тизимида буйруқларни шакллантириш дастурий модулининг IDEFO модели ишлаб чиқилди. Таълимни бошқариш тизимларида буйруқларни шакллантириш дастурий модули орқали таълим жараёнидаги кўпчилик ҳужжатларни шакллантириш автоматлаштириш натижасида юқори аниқлик ва самарага эришилди. Одатда курсдан курсга ўтиш/қолиш буйруқларини шакллантиришда маълумотларни таққослаш учун анча вақт сарфланар эди, бундан ташқари стипендия буйруқлари, қайдномаларни шакллантириш ва юритиш ҳам анча вақт талаб қиладиган жараён бўлиб ҳисобланади. Бу жараёнлани ишлаб чиқилган тизимда амалга ошириш эса бир нечта дақиқа талаб қилади ҳалос. Талабаларга тааллуқли барча буйруқлар ва кўрсатмаларни (ўқишга қабул қилиш, стипендия бериш, талабалар сафидан чиқариш, ўқишини тиклаш, ўқишини бошқа жойга ўтказиш, академик таътил) ўз ичига оладиган модулар яратилди.

4. Катта маълумотлар массивига параллел ишлов бериш алгоритми ишлаб чиқилди. Алгоритм асосида катта ҳажмли маълумотлар массивига ишлов беришда ҳисоблаш вақтини 6 баробаргача қисқартириш мумкинлиги тажриба натижаларида аниқланди, яъни оқимларга ажратиш ва ресурсларни тенг тақсимлаш орқали ҳисоблашларни(айнан бир бирига боғлиқ бўлмаган) параллел равишда амалга ошириш ҳисоблашда вақт бўйича самара берди.

5. Дастурий мажмуада электрон журнал ва электрон баҳолар дафтарчасини юритиш модуллари яратилди. Барча баҳоланадиган ишлар

тизим орқали амалга ошириладиган қилинди. Ўқитувчи томонидан қўйилган вазифаларни талабалар тизимга жойлаб шу асосида ўз баҳоларни оладилар. Бу баҳолаш ҳам силлабусда келтирилган баҳолаш мезони асосида яратилган баҳолаш мезонлари асосида аниқланади. Яъни профессор-ўқитувчи ҳар бир вазифани жойлаш давомида унинг хусусиятидан келиб чиқиб баҳолаш мезонларини ҳам белгилаб ўтади ва вазифаларни шу мезонлар асосида баҳолаб боради.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.13/30.12.2019.Т.07.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ  
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ТАШКЕНТСКОМ УНИВЕРСИТЕТЕ  
ИНФОРМАЦИОННЫХ ТЕХНОЛОГИЙ**

---

**ТАШКЕНТСКИЙ УНИВЕРСИТЕТ ИНФОРМАЦИОННЫХ  
ТЕХНОЛОГИЙ**

**ИСКАНДАРОВ САНЖАР КУВОНДИКОВИЧ**

**АЛГОРИТМЫ И ПРОГРАММНЫЙ КОМПЛЕКС АНАЛИЗА  
ДАННЫХ СИСТЕМЫ УПРАВЛЕНИЯ ОБРАЗОВАНИЕМ**

05.01.04 – Математическое и программное обеспечение вычислительных машин,  
комплексов и компьютерных сетей

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)  
ПО ТЕХНИЧЕСКИМ НАУКАМ**

**Ташкент – 2021**

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за B2021.2.PhD/T2281.

Диссертация выполнена в Ташкентском университете информационных технологий.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице ([www.tuit.uz](http://www.tuit.uz)) и на Информационно-образовательном портале «Ziyonet» ([www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)).

**Научный руководитель:** Муминов Баходир Болтаевич  
доктор технических наук, профессор

**Официальные оппоненты:** Мухаммадиева Дилноза Тулкуновна  
доктор технических наук, профессор

Хужаяров Илёс Шералиевич  
доктор философии (PhD)  
по техническим наукам

**Ведущая организация:** Национальный университет Узбекистана

Защита диссертации состоится «5» ноября 2021 г. в 14<sup>00</sup> часов на заседании научного совета DSc.13/30.12.2019.T.07.01 при Ташкентском университете информационных технологий. (Адрес: 100202, г. Ташкент, ул. Амира Темура, 108. Тел.: (99871) 238-64-43; факс: (99871) 238-65-52; e-mail: [tuit@tuit.uz](mailto:tuit@tuit.uz)).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентского университета информационных технологий (регистрационный номер № 227). (Адрес: 100202, г. Ташкент, ул. Амира Темура, 108. Тел.: (99871) 238-65-44).

Автореферат диссертации разослан «22» октября 2021 года.  
(протокол рассылки № 32 от «18» октября 2021 г.).



**Р.Х.Хамдамов**  
Председатель научного совета по  
присуждению учёных степеней,  
доктор технических наук, профессор

**Ф.М.Нуралиев**  
Учёный секретарь научного совета по  
присуждению учёных степеней,  
доктор технических наук, доцент

**М.А.Рахматуллаев**  
Председатель научного семинара при научном  
совете по присуждению ученых степеней,  
доктор технических наук, профессор



## **ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))**

**Актуальность и востребованность темы диссертации.** В настоящее время ежедневно создается 2,5 квинтиллиона ( $10^{18}$ ) байт информации и данный показатель означает, что в 2020 году каждым человеком было создано 1,7 МБ данных<sup>1</sup>. Особое внимание уделяется разработке систем управления образовательным процессом в целях генерации знаний для управления образовательным процессом путем интеллектуального анализа баз данных, выработки рекомендаций для пользователей. В зарубежных странах, где развито данное направление, в частности, в США, Франции, Германии, Италии, Российской Федерации, Китае, Японии, Иране, Южной Корее и других государствах, огромное внимание уделяется использованию современных технологий при управлении образовательным процессом, а также решению теоретических и практических задач по созданию алгоритмов оперативной обработки больших массивов данных.

В мире внедрение электронного обучения в систему образования, прежде всего, связано с интеллектуальным потенциалом общества, в частности, напрямую зависит от информатизации образовательного процесса, разработки информационно-образовательных ресурсов. В развитых и развивающихся странах мира уделяется особое внимание информатизации образования, в частности, внедрению электронного образования. Поиск путей развития электронного образования, повышения его эффективности, внедрение новых информационных технологий в образование находятся во главе угла реформ в сфере образования. При этом необходимым является выработка знаний об определенном объекте или состоянии, которые представляются важными для исторического, текущего или будущего периодов, путем сбора, анализа и эффективного использования множества данных.

В нашей Республике осуществляются широкомасштабные реформы по построению информационного общества, охватывающего различные отрасли народного хозяйства, производства и систему образования. Определены приоритетные направления информатизации, динамичного развития информационно-коммуникационных технологий, а также их эффективного применения во всех сферах жизни общества. В Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан в 2017-2021 годах определены такие задачи как «...повышение доступности качественных образовательных услуг, подготовки высококвалифицированных кадров в соответствии с современными потребностями рынка труда, ... внедрение передовых информационно-коммуникационных технологий...». Выполнение данных задач, в частности, формирование знаний посредством интеллектуального анализа данных системы управления образованием и разработка алгоритмов оперативной обработки данных, является одним из значимых вопросов.

В соответствии с Указом Президента Республики Узбекистан от 19 февраля 2018 г. №УП-5349 «О мерах по дальнейшему совершенствованию

сферы информационных технологий и коммуникаций», Постановлением Президента Республики Узбекистан от 19 февраля 2018 г. №ПП-3549 «Об организации деятельности Министерства по развитию информационных технологий и коммуникаций Республики Узбекистан», а также Постановлением Кабинета Министров от 24 июля 2018 г. №569 в целях коренного совершенствования системы подготовки кадров, повышения эффективности в Ташкентском университете информационных технологий имени Мухаммада ал-Хоразмий и его филиалов, обеспечения вхождения его в число ведущих университетов мира путем внедрения кредитной системы обучения в систему образования, в Ташкентском университете информационных технологий имени Мухаммада ал-Хоразмий и его филиалах было предусмотрено внедрение кредитной системы обучения. Данное диссертационное исследование в определенной степени служит выполнению задач, предусмотренных Постановлением Президента Республики Узбекистан от 5 июня 2018 года №ПП-3775 «О дополнительных мерах по повышению качества образования в высших образовательных учреждениях и обеспечению их активного участия в осуществляемых в стране широкомасштабных реформах» и другими нормативно-правовыми документами, касающимися данной сферы.

**Соответствие исследования основным приоритетным направлениям развития науки и технологий республики.** Данное исследование выполнено в рамках приоритетного направления развития науки и технологий республики IV. «Информатизация и развитие информационно-коммуникационных технологий».

